

Бу кунларда Туркистоннинг «фотиhi» бўлгон генерал Фун Кауфманнинг Самарканд шаҳрини олгондан кейин халкни тинчликка даъват килиб ёзгон бир хитобномасининг асли нусхаси кўлимизга тушди.

1868 йил 2 май (янги ҳисоб билан 18 майда) Фун Кауфман амир Музаффар аскарни билан урушиб, Самаркандни олгоч, сўнгра Самарканд аркида бир мунча аскарни кувиб, ўзи кўшини билан Каттакўргон ва Панжшанби томонга юриш этадир. Шу чоғда амирнинг ўгли Гузор ҳокими Абдумалик тўра Шахрисабз ва Китоб халки билан бирлашиб, Самарканд калъасини бир неча кун муҳосара этди, яна амирнинг бир турли тадбири билан таркалишдилар.

Шу орада генерал Фун Кауфман амирнинг кўшинига галаба килиб, уни сулҳга мажбур этадир (2 июн, 1968 йил). Фун Кауфман колома аскарни билан кайтиб келиб, Самарканд халқини катли ом қилгондан сўнг, қонли кўли билан шу хитобномасини ёзиб, Самарканд халқини тинчликка чақирди (факат имзоси ўзгартирилди).

«Туркистон генерал губернатори барчани оғох бўлмок учун маълум қиладур. Подшоҳ императорга тобе юрт ичинда давом-тартиб ва осойишталикни тушурмай ушлаб турмокни ва ҳамсоғлар билан тотувлик ва ошнолик килиб турмокни маним давлатхоҳим манга буйруқ қилиб эди. Жаноби олий Бухоро Амири оқ подшоҳнинг хайрлик ниятига қўб вақт инобат қилмади. Тотувлик ҳақинда ихлоси ишондирганимга шубҳа қилиб, Бухорб вилоятига фойдали меним юборган аҳцномамга қўнмади. Тотувлик қилмок учун Ўрусия ерининг четидан аскарларим билан қўтарилиб қикмокка тейишли бўлди.

Самарканд ва Каттакўргонни олгонимдан сўнг, неча маротаба Бухоро аскарлари устидан галаба бўлгандан сўнг, охир Амир қўрдики, ўрус билан сугуш қилмок Бухоро халоклигига борадир. Ўз фойдаси учун ва Бухоро халқининг хайриятлиги учун Ўрусия билан тотувликда ва ошноликда турмок авлорокдир.

Улуг императур хазратлари ихтиёри эмди бажо қелтирилди, қомил рози бўлгоннинг ростлигига ўз муҳри билан юборилган аҳдномани маҳкам қилиб Ўрусия билан яраш қилди. Мундан буён Ўрусия билан Бухоронинг сарҳад ерлари будур:

Зарафшон даласини Шахрисабз бегига тобе ердан ажрататургон тогнинг усти билан Зарафшон дарёсига караб боратургон тоғлар билан ёндан сўл, магриб тарафи Каттакўргондан Зарафшон дарёсининг даласи оркали Ок тогнинг устини кесиб ўтиб, сархади магриб тарафи Нурота кўргонини Бухоро вилоятига қолдируб, Нурота тоғининг баланд тепаси билан юрур.

Ушбуни улуг ок подшоҳнинг тобеида бўлгувчиларнинг барчасига маълум қилиб амр қиламан: чет ернинг босмоғидан кўркмайинча, тотувликда ва тинчликда турунгизлар, ўз ишларингиз: дехқончилик ва қасб-савдоларингизни қилингизлар. Тинчликни бузгон ок подшоҳнинг душманлари, албатта, халқнинг ҳам душманлари, шундайин одамларни ушлаб ҳокимингизга топширингизлар, қонун бўйинча жазо берилмаги учун.

Ёзилди 21 саратон, 1868 йилда Самарқанд шаҳринда.

Туркистон генерал губернатури адъютанд Фун Кауфман муҳрларини босдилар. Хитобноманинг остида Фун Кауфманнинг ўзбекча ёзувли муҳри бор. Ичидаги хати шудир: «Туркистон генерал губернатури хенерал-адъютанд Фун Кауфман».

Бу хитобноманинг тил жиҳатдан ҳам аҳамияти йўқ эмас. Хитобномада «генарал» сўзи уч ўринда уч турли ёзилгон. Бунда тотор тилининг таъсири борлиги ҳам кўринадир. Чунки рус аскарлари ичида тотор бўлгонидек, аскар бошлиқлари ҳузурида тотордан тилмочлар ҳам бор эди.

*«Маориф ва ўқутгувчи» журнали, 1926 йил, 1-сон*